

2004. I - XII

ЯНГИ ЙИЛ ҲАР ҚАЙСИ ОИЛА ВА ХОНАДОНГА ЯХШИЛИК, БАХТУ САОДАТ, ФАЙЗУ БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

01


(316)

YURIDIK GAZETA

Yanvar					
D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	31
Ya.	4	11	18	25	
2004					

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz



Чемпион бўл, ўғлон!

А.Турсев сурати

Биз янги йилда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини давом эттириш, аввало, изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу тоифанинг ҳаётимиздаги таъсири, улуши ва самарасини ошириш ҳисобидан ҳам давлат, ҳам оила, ҳам инсон иқтисодини юксалтириш мақсадини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Президент Ислам КАРИМОВнинг
Ўзбекистон халқига янги йил табригидан

▼ BOSH MUHARRIR MINBARI

Ғурур

Ўртбошимизнинг ташаббуси билан янги йилимиз «Меҳр ва мурувват йили» деб аталадиган бўлди. Демак, аҳолининг кам таъминланган қисмига нисбатан ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, қарияларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, ногиронларга ва боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатишни яхшилаш «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури доирасида ҳар томонлама чуқурлаштирилади. Шу билан бирга, бутун бир йилда кечадиган фаолиятимизнинг меҳр ва мурувват кўрсатиш билан боғлаб юборилиши, унинг Президент ташаббуси ва давлат сиёсати даражасига кўтарилиши масалага кенг диапазонда ёндашишни тақозо этади.

Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқидан ва Янги йил табрикномасида Президентимиз ҳам меҳр ва мурувват кўрсатишни кенг маънода тушунишга алоҳида урғу берган эди.

Албатта, меҳр ва мурувват кўрсатишга йўналтирилган маблағлар ўз эгаларига етиб боришини таъминлаш бу ишнинг тепасида турган кишиларнинг фаолияти мезонига айланмоғи даркор. Бу масалага боғлиқ вазибаларни бажаришда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси фаол бўлсагина, сўзсиз қўзланган мақсадга тезроқ эришамиз.

Бунда бизга авлоддан авлодга ўтиб, халқимизнинг менталитетига айланган бағрикенглик, саховатпешалик, хушфезъллик, етимларнинг бошини силлаш, мискинларга ёрдам қўлини чўзиш каби азалий қадриятларимиз ниҳоятда қўл келади. Ҳар бир ота-онанинг оёққа туриб олиши учун аввал ўз фарзандларига, яқинларига ва биродарларига меҳр-мурувватли бўлиши ўзбек халқини миллат сифатида ривожлантирган энг яхши аъёналардан бири ҳисобланади. Тагли-туғли, бақувват ва номдор оилалар ўз навбатида жамият ва давлатнинг тамал тошини мустаҳкамлаб турган. Ахир бежизга «Аввал — хеш, кейин — дарвеш» демаганларда. Бир йилнинг «Оила йили», кейингиларининг «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили» ва «Обод маҳалла йили» аталиб, улардан давлат ва халқ миқёсида ҳал этилиши жоиз бўлган вазифага ўтилишининг боиси ҳам шунда.

Биз очик, эркин жамият қураёلمиз. Бинобарин, ҳар бир яхши ишимизни ривожланган дунёнинг бу борадаги тажрибалари билан қиёслаб олсак, ҳамкорларимизни биргаликда ишлашга жалб этсак, бундан фақат жамиятимиз фойда кўради.

Давоми 3-бетда.

БИЗНИ ПИСАНД ҚИЛГАНЛАРГА МИНГ БОРА ҚУЛЛУҚ

Ким ҳам янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни истамайди дейсиз. Аҳолига ахборотни тезлик билан ва батафсил етказиб беришда эса оммавий ахборот воситалари орасида газета алоҳида ўринга эга.

2003 йилнинг 25 декабрига олинган маълумотларнинг дастлабки таҳлилидан келиб чиқиб, газетамизга обуна мавсуми кўнгилдагидек ўтди дейиш мумкин. Бу йил Фарғонада 2134 та, Андижонда 1523 та, Наманганда 1206 та, Қашқадарёда 1186 та,

Жиззахда 1158 та обуначимиз бор. Бошқа вилоятларда ҳам кўрсаткичлар шунга яқин.

«Нуқид»қа обунани ташкил этишда жойлардаги прокуратура органлари, «Матбуот тарқатиш уюшмаси», почта бўлиmlари ходимлари жонбозлик кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шояр айтганидек, «бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ». Барча ҳамкорларимизнинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

2004 йил учун «Нуқид»қа обуна давом этмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш давр талабидир. Бу борада матбуотнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Шу нуқтаи назардан қараганда Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари билан бизнинг «Qonun himoyasida» бирлашган тахририяти ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани айни мuddаодир. Бундай дустона муносабат 2004 йил учун ўтказилган обуна мавсумида яна бир бор

тасдиқини топди. Эътироф этиш керакки, ҳуқуқшунос дустлар ва нашрларимиз илосмандларининг сай-ҳаракатлари туфайли «Нуқид» газетасига обуна 2000, «Qonun himoyasida» журнаliga эса 1600 нусхадан ошиб кетди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, вилоят прокуратураси ходимларига миннатдорчилик билдириб, уларни янги йил билан кутлаймиз.

Ўз мухбиримиз

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

Моҳият

Инсонпарвар кишининг барча хатти-ҳаракатида сезилиб турадиган ва ёмон одамда бўлмайдиган назокат бор.

Дени ДИДРО,
француз файласуфи

SAFARDAN KEYINGI MULOHAZALAR

Инсоният XXI асрга барча соҳаларда ютуқлар билан бирга айрим чигал муаммоларни ҳам олиб ўтди. Улар орасида терроризм алоҳида ўрин тутди. Чунки бу муҳидиш иллат аслар оша бутун инсониятга жиддий таҳдид солиб келган.

Террор

тараққиёт тўсиғи

АҚШдаги сентябрь фожеаси жаҳон аҳли қалбидега террорчиликка нисбатан нафратнинг кўнйишига сабаб бўлди. Фарбу шарқ халқлари, кўп давлатларнинг ҳукмрон доиралари терроризмнинг даҳшатли ёвузлик, тараққий ёйидаги энг катта тўсиқ эканлигини, у на ватан, на чегара, на миллат ва на диний эътиқодни билмаслигини, яъни умумбашарий офатлигини англаб етди.

Шу боис, бу воқеалардан кейин терроризмга қарши курашда кўпчилик давлатлар бир ёқадан бош чиқарди. Ўзбекистон эса уларнинг олдинги сафида бўлди. Зеро, Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асаридега бу хавф ҳақида анча олдирок бонг урган эди. Шунинг учун бу асар кўп тилларга таржима қилиниб, жаҳон жамоатчилиги эътиборига тушди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда террорчиликка қарши кураш юртимиз мустақилликка эришганидан бундан аввал эғиб келади. Бунинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2000 йилда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди. Унда террорчилик нима, террорчи қим, террорчилик гуруҳи деганда қандай

KO'ZA SINGAN KUN

Хар кунгидай эрта турган Бахшулло яна экинзорига йўл олди. Одам бўйи бўлиб қолган пояларга бир кўр кўз ташлаб, улар орасига ўзини урди. Икки-уч қадам юриб тўхтади.

— Ҳа, жойида турибди. Кўринишидан пишиб қолганга ўхшайди-ку.

У ўзи билан ўзи гаплашарди. Қўли билан пайпаслаб наша пояларини бир-бир кўздан кечирар экан, ҳосилнинг етилганига ишонч ҳосил қилди:

— Энди йиғиштириб олсам ҳам бўлар. Қачонгача хавфсираб юрман? Саранжомлаб қўйай, битта-яримтаси чиқса, пуллаб юбораман.

Орадан икки кун ўтди. Товари анлақачон тайёрлаб қўйган, фақат харидордан дарак йўқ эди. Ҳар дамиди кўча эшиги олдидаги омонат ўриндиқда ўтирган Бахшулло келаятган яшил «Тикон»ни кўриб, бир кўзгалиб қўйди. Машина унинг олдида тўхтаб, бир йигит тушди:

— Ассалому алайкум, амаки! Нодир аканинг уйи қайсилигини кўрсатиб юборолмаймизми?

— Қайси Нодир? Бу яқин ўртада унақа одам яшаймиди.

— Эҳ, номард! Алдабди-да. Энди нима қилдим-а?

Йигит нима қилишини билмай ўқдан бу ёққа юра бошлади.

— Тинчликми, ука мулло? Бирон гап бўлдимми?

Бахшуллонинг саволига йигит бироз ўйланиб турди. Кейин аста яқинлашиб шивирлади:

— Ака, менга Нодир деганда

гуруҳ англашларида ва шунга ўхшаш террорчиликка алоқадор бир қанча ибора ва атамаларга изоҳ берилган.

Қонунда кўрсатилишича, бирорта террорчилик ташкилотига аъзо бўлган ва унинг фаолиятида иштирок этган шахс террорчи ҳисобланади. Гаровда ушлаб туриш учун шахсларни асир олган, давлат ва жамоат арбоблари, аҳолининг миллий, этник, диний ва бошқа гуруҳлари, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига таъжовуб қилган шахслар ҳам террорчи саналади.

Мазкур қонунда террорчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Террорчилик ҳаракатини содир этган шахсларни ҳеч иккиланмай ёвуз қимсалар деб аташ мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда террорчилик фаолиятининг олдини олишга жиддий эътибор қаратилаётганда. Огоҳлик кун тартибидеги энг долзарб масала бўлиб келяпти. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик ҳамкорлигида кенг қамровли ишлар амалга ошириляётгани диққатга сазовордир.

Террорчиликка қарши кураш муаммоси ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШда ҳам долзарб ҳисоб-

«товар», анави нашадан бор дейишганди. Афсуски... Шу ерлик бўлсангиз айтолмайсизми, бу ерда яна қимдан топиш мумкин ўшани? Бу гапдан Бахшулло қувониб кетди. Аммо сиртига чиқармади.

— Агар нарҳига чидасангиз, мен

Маккажўхори орасидаги «хазина»

топиб беришим мумкин.

— Э, шундай қилинг, ака. Сарсон бўлмайин энди. Нарҳи мени қизиқтирмайди.

— Унда юринг орқамдан.

Савдо пишиди. Бахшулло ўннга гугурт қутисига жойланган марихуанани нотаниш йигитга яқшигина пулади. Уни жўнатар экан, «яна келиб туринг» деб қўйди. У хурсанд эди. Кистага пул киргандан кейин хурсанд бўласан, кўнглинг шод бўлгандан кейин ҳамма кўзингга яқши кўринар экан. У яқинлари билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб тушлик қила бошлади. Шу пайт дарвозадан бир нечта бегона киши кириб келди.

— Сиз наркотик моддалар билан қонунга хилоф равишда савдо қилишда айбланасиз. Биз билан юришингизга тўғри келади.

— Ким? Меними? Уларнинг ким-

ланади. Мазкур мамлакатда шу мақсадда йилга миллиардлаб доллар сарф этилади, террорчилик ҳаракати ҳақида огоҳлангирган ва шу тарзда терактнинг олдини олишга ёрдам берган фуқаролар 2 млн. доллар миқдоридега пул билан мукофотланадилар. Тўғри, сентябрь воқеаларидан кейин бу йўналишдаги ишлар анча фаоллашган бўлса-да, терроризмга қарши кураш тарихида АҚШда 1983 йили улкан бурилиш ясалган эди. Шу йили мамлакат конгрессида халқаро терроризмга қарши курашдаги (АТА) лойиҳаси тақдим этилиб, қўллаб-қувватланган.

АТА дастури асосида 1983 йилнинг ўзидеяқ АҚШ давлат департаментининг дипломатик хавфсизлик бюроси ҳузурида терроризмга қарши курашга қўмақлашувчи бошқарма ташкил этилди. Унинг мақсади

жаҳоннинг айрим давлатларида фаолият юритаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва полиция ходимларининг терроризмга қарши курашда билим ва малакаларини оширишга қўмақ беришдир. Ҳозирги кунгача дунёнинг 120 давлатдан 23 минг тингловчи бу мактабда сабоқ олган.

АҚШнинг Нью-Мексика штати Альбукерке шаҳрида жойлашган мазкур бошқармада шу йил ўтказилган навбатдаги машғулотларда бир гуруҳ ўзбекистонлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳам иштирок этди. Машғулотларда терроризмга қарши курашда эътиборга олиниши лозим бўлган муҳим жиҳатлардан тортиб, бу борада қўлланиляётган замонавий асбоб-ускуналар билан танишдик. Фақуллодада ҳолатларда қилиниши лозим бўлган ишлар билан боғлиқ маълумотларга эга бўлди.

Мазкур сафардан олган таассуротларимиз фаолиятимизда албатта асосатидега. Бир сўз билан айтганда, бугун бугун дунёда терроризм балосини йўқ қилиш борисида барча имкониятлар ишга солинмапти.

Элдор ПўЛАТОВ, Республика ҳарбий прокуратураси Жиноятлари тергов қилиш бошқармаси бошлиғи

сизлар? Бундай тўхмат қилманглар. Гувохларинг борми?

Бахшуллонинг саволига жавоблар улар гувохномаларини кўрсатишди.

— Милицияданмиз. Сиз яшил «Тикон»да келган Қаҳрамон деган

олдида турган вагонча ёнидаги тахталар орасидан салофанга ўраб қўйилган бир даста пул топилди.

— Бу пул сизникими?

— Йўқ, меники эмас.

— Унда кимники эканлигини экспертиза аниқлайди.

Бахшуллога марихуана учун берилган пулларнинг серия рақамлари уларга олдиндан маълум эди. Солиштириб қўрилганда ҳаммаси аниқланди. Шундан кейин Бахшуллонинг айбига иқрор бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Одам зоти бир ишни қилса-ю, у кўнглига ёқса, бора-бора бунга жуда ўраниб қолади. Емон оқибатларга олиб келишини билса-да, бу иш тарк этгиси келмайди. Бунга Б. Ашуровнинг қилмиши мисол. Энди у қонун олдида жавоб беради.

А.ОЧИЛОВ, Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

йигитга ўннга гугурт қутига жойлаштирилган марихуана моддасини 45.000 сўмга соттансиз. Уша пуллар қани? — Ҳеч қанақа Қаҳрамон деган йигитни танимайман. — Унда уйингизни кўздан кечиршига тўғри келади. Бахшулло бу гапдан кейин сароимсига тушиб қолди. Уй тинтув қилинганда кийим-кечақлар орасида яна иккита гугурт қутисига солиб қўйилган марихуана топилди. Лекин қанча изламсан пуллари топилмасди. Бахшулло эса хали ҳам айбини тан олиб келмасди. Охири ҳуқуқ-тартибот ходимлари уйнинг ташқарисини текшириб чиқини лозим топилди. Шунда уй

O' QOVCHILAR HUZURIDA

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари ошмоқда



Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактаб аниқ, ижтимоий ва табиий фанларни чуқур ўрганишга қаратилган бўлиб, унга туман ёшлари таялов асосида 7-синфдан қабул қилинади.

Бугунги кунда мазкур ўқув даргоҳида 234 нафар ўқувчи билим олмақда. Айтин керакики, бу ерда мактаб ўқувчиларнинг ҳуқуқий билими, маданияти ва тушунчасини оширишда туман прокуратурасининг хизмати катта бўлмоқда.

— Улғайиб келаятган ёш авлод, аввало, ўзининг ҳақ-ҳуқуқни нималардан иборат эканлигини англаб етгани керак, — дейди туман прокурори Бекмурод Фориков.

Суратда: туман прокурори ўқувчилар ҳузурида.

Моҳият Юздаги қизиллик бизнинг ёлгон гапирётганганимизни билдириб қўяди, аммо у ҳаммаша ҳам ёлгончиликнинг исботи бўлиб хизмат қилмайди. Биз кўпичча бизни нимададир айблаётган кишининг уятсизлигини билмаймиз. Имануил Кант, немис файласуфи

СHEGARA POSBONSIZ EMAS Ноўрин қадам Бозор иқтисодиёти одамларни кўпроқ меҳнат қилишга, вақтдан унумли фойдаланишга ва энг асосийси, ишбилармонлик сирларини пухтароқ ўрганишига ундаймоқда. Шу сабабли мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Бу албатта мамлакат иқтисоди ва фуқаролар турмуш тарзига иккиобий таъсир кўрсатапти. Лекин айрим фуқаролар тадбиркорликка салбий ёндашавтани ҳам бор гап. Улар аширин иқтисодиёт, валею савдоси, чет эл товарларини мамлакатимизга ноконуний олиб кириш билан шуғулланиб пул топишга ҳаракат қилишяпти. Узурида бу раббидингилар жойлардаги масъульдорлар томонидан бартараф этилмоқда. Кези келганда таъкидлаш жоизки, Қибрай тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан ўтказилаятган текширувларда ҳам қўллаб қонунбузарликлар аниқланмоқда. Масалан, ўтказилган тадбирларда эр-кақлар билан бирга айрим аёллар ҳам қонунбузарликка йўл қўяётганига гувох бўлди. Улар оила юмуши, фарзанд тарбиясини бир нечта сўриб қўйиб, фойда кетидан қувшишмоқда. Бундайлар жулисласига М.Қосимовани кириштириш мумкин. Бу оилага фуқаро А.Ражабов билан бирга Қозоғистондан мамлакатимизга айланма йуллар орқали пойфазал олиб ўтишга бел боғлаган. Афсуски, уларнинг «бизини» нўжасига етмай қолди. Йқки шунинг 1.376.000 сўмлик ҳужжатсиз товар билан қўлга тушди. Туманининг «Ўнқирғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган тадбирда ҳам шунга ўхшаш ҳолат аниқланди. Булик жодимларликка таълижда келаятган «Давсон» тўхтаб кўздан кечирилганда машина салонига аёллар оёқ қийими билан лик тўлалиги маълум бўлди. Аниқданишча, фуқаро Н.Райимбеков енг ичидега нақд \$ 298.000 сўмлик товари олиб кетаятган экан. Ундан хориққа да ишлаб чиқарилган буттоварларга тегишли бирорта ҳужжат борми деб сўралганда «ишбилармон» ер қилиб қолди. Қонунбузарлиқнинг ҳар қандай қуринишига нисбатан жазо чоралари белгиланган. Шундай экан, қим бўлишини қанчалар яна азар қадангизни қўйиб босийлик. Акс ҳолда кўкоридан номлари эйқр этилган қордошларимиз сизгари ноқулай аҳволга тушиб қилишини хеч гап эмас.

Талъат СУБХОНОВ, Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси Қибрай туман бўлими бошлиғи

(Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда ақин ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариб туриш зарар қилмайди. Боиларни йўқ қилиш орқали камбағалчиликни тугатишга ваъда берган советлар даврида етимхоналар кўпайгандан кўпайган эди. Шунинг учун мустақилликнинг илк давриданоқ ёш давлатимиз кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини устувор тамойил даражасига қўтариб, ўтмиш асратларига баҳрам бериш борасида катта ишларни амалга оширди. Бу борда яхшигина тажриба ҳам тўпланди. Тадбиркорлар, ишбилармон ва қўли очик кишилар ўртасида муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, кўприклар, ҳатто уй-жойлар қуриб беришдек яхши анъана тикланди. Ҳозир шундай жамоалар борки, ўз худудидаги боғча, мактаб ва шифохоналарга муттасил ёрдам кўрсатиб туради. Аълочи ўқувчиларга стипендия бериб, билимдонлик ва зукколикни қўллаб-қувватламоқда улар.

«Qonun himoyasida» журнали ва «Ниҳуқ» газетасининг ўтган йилги сонларидега ёзган эдик, бу йил такрорласак янги ўқувчиларимизни ҳам мулоҳаза қилишга ундайди бу воқеа: Самарқанд вилояти прокуратураси ҳомийлар билан ҳамкорликда меҳрибонлик уйлари битирувчиларини ўқишга ва ишга жойлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки ҳунари бор инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Иши бор инсон ўзини бошқача ҳис қилади. У энди ўзини ўзи таъминлай-

ди. Ўзи учун муносиб келажак қуриш йўлига кириб олади.

Хар йили Андижон вилояти ва Тошкент шаҳар прокуратуралари меҳнат йармаркалари ўтказишда фаол қатнашиб, ишчилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда яхши самарага эришмоқда. Бизнингча, меҳр ва мурувват сиёсатини юритишда инсон руҳиятида кечадиган ана шу жараёнга ҳам алоҳида урғу бермоқ керак.

Сиз яхши тадбиркорсиз. Бозор иқтисодиётининг машаққатли йўлини бошдан ўтказган ишбилармонсиз. Сиз — мону дунёси етарли инсон меҳр ва мурувват кўрсатиш йўлида бирон-бир етимхонага химмат кўрсатасиз. Ёки маҳаллангиздаги қўли калта оилалар фарзандларининг суннат тўйини ўтказиб берасиз. Керак бўлса ҳар байрамда бунга такрорлаб туришингизни яхши биламиз. Унча-мунчага кўнмайдиган солиқдораси ҳам шу жойга келганда қонун доирасида сиз билан муроСа қилади. Раҳмат, биродар! Келинг, энди ҳис-ҳаяжонимизга озроқ сув сепаиб ва дўппиимизнинг чангини қоқиб, бир мулоҳаза юритайлик. Сиз мурувват кўрсатган ўша жон муҳтожликдан чиқиб кетиши ва иккинчи бу кўчага қайтиб кирмаслигини тилаган эдингиз. Чунки

собиқ СССР даврида давлат ёрдами кутиб яшайдиганлар кўпчилики ташкил этар эди. Унта ва ундан ошқ болани туғиб тарбиялаган қаҳрамон она давлат қаромоғида яшайдиган тобеинларнинг бутун бир армиясини тўлдиршига ҳисса қўшаётганлигини ўйлаб ҳам кўрмасди. Уруш тўғрисида боқувчисини йўқотган оналар билан имтиёзи ва мавқеи

пиллапоё дея тушунмоқ кераклигини йил бошиданоқ ҳаммамиз англаб олмоғимиз даркор. Бунга фақат ва фақат гурурини уйғотиш ва юксак мавқега кўтариш тўғрисида эришиш мумкин. Бундан кейин ҳам қариялар, ногиронлар, ёш болани оналарни ҳимоялаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг бош йўналиши бўлиб қолаверади. Лекин болаларини тирик етим қилиб, меҳрибонлик уйларига ташлаб кетаётган ота-оналарни, отаси ёки онасини қариялар уйига жойлаштирган фарзандларни,

Гурур

тенглаштирилган ёлғиз оналарнинг кимлигини биласиз-ку! Фашистлар босиб олган худудда туғилгани учун уруш қатнашчиси имтиёздан қўйиллатиб фойдаланадиган кимси билан ҳеч гаплашганмисиз?!

Бундай сиёсат фаолиятсизлик қусурини бизнинг давримизга мерос қилиб қолдирди. Ислохотлар йўлига тушов бўлаётган иллатлардан биттаси ҳам ана шу фаолиятсизлик, ҳаракатсизлик эди. Худо ҳам ҳаракат қилган бандасига «бераман» деган. Бунга энди-энди тушуниб олаётган пайтимизда давлатимизнинг меҳр ва мурувват кўрсатиб ишлаш ва яшаш сиёсатини қарамликдан, боқимандалик тушовларидан қутулиш учун бир босқич, зина,

ниҳосиз, яъни отасиз туғилган гўдакларнинг қиёфасиз соҳибларини иймон кўчусига бошлаш, гурурини уйғотиш ва инсофга чиқариш қалам аҳлининг — биз журналистларнинг ҳам зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки гурур устувор жамиятда турмахоналару етимхоналарининг кўплиги ёки саранжом-саришталиги билан мақтанилмайди. Аксинча, турмахоналар ва мурувват уйлари қанча кам бўлса, жамият шунча тараққий этган бўлади. Адашган бандаларга бағиронглик ва кеҳиримлилик кўрсатиш орқали жамиятга қайтариш мақсадига хизмат қилувчи жинорий жазоларни либераллаштириш ҳақидаги қонун ва амнистия тўғрисидаги Президент фар-

монлари ана шу мақсад йўлидаги дадил қандашдир.

Тўқсонинчи йилларнинг боши эди, мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган турмуш ўртоғим қизиқ бир гапни айтиб келди: бир бева аёл фарзандига давлат томонидан берилган кийим-кечакни қайтариб ташлаб кетибди. «Отасиз дегани меҳрсиз дегани эмас. Садақага муҳтож эмасмиз. Мен то тирик эканман, раҳматлик дадамизнинг руҳини безовта қилишларига йўл қўймайман» деб ўқитувчиларнинг оғзини очиб кетибди. Яқинда шу аёл ва унинг ўғли ҳақида суриштирдим. Менга охириги марказдаги «Нексия» ҳайдаб юрган аёлни кўрсатишди. Ўғли эса чет эл грантини қўлга киритиб, хорижда таҳсил олаётган экан. Гурури; ор-номуси маёқ бўлиб, юксакликка кўтарилаётган бундай оилалар ҳақида журналист дафтаримда мисоллар жуда сероб.

Гурури бор инсон пора олмайдди. Гурури балан шох таъмагарлик қилмайди. Гурури йўқ инсонларгина жиноят кўчасига қиришини жамият аллақачон англаб етган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида халқимиз бутун бир миллат ва элатларни бағрига олиб, йўқчиликдан ва демак, бутунлай йўқолиб кетишдан сақлаб қолганига яқин тарих тўғриво. Меҳр ва мурувват йили ота-бобларимизнинг ана шундай яхши анъаналарини муносиб тарзда давом эттириш учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

2004-ЙИЛ МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

...Фалончи шаҳарнинг камбағал кишиларидан бўлиб, яқинда ёнғин чиқиб, уйи куйганлиги тўғрисида бир этак болалари билан рўзгорини йўлга қўлмай қайналаётган экан. Бир кун эрталаб ҳовлисидан янги ҳамён топиб олади. Бу хабар зумда шаҳарга тарқалибди. Маълум бўлишича, шу тонг яна бир нечта фақир-мискинлар ҳам ҳовлисидан ҳамён топиб олган эканлар. Сўраб-суриштиришди, пул меники эди дейдиган одам чикмабди. Шаҳар катталари, оксоқоллар кенгашиб, бу ишни ким қилаётгани билмоқчи бўлиб, тўрт-бешта забардаст йигитни шаҳарнинг ҳар-ҳар жойига пойлоқчиликка қўйишди. Йигитлар ҳеч нимани аниқлай олишмабдию, бироқ эрталаб маълум бўлишича ёлғиз яшайдиган бир чолу кампир ҳовлисидан нуралётган деворларини кечаси кимдир суваб кетган эмиш. Яна суриштирилса, бу ишни мен қилдим дейдиган киши топилмабди. Ниҳоят учинчи кун бомдод вақти киришига яқин улар бир мискиннинг деворини таъмирлаб, суваётган кишини кўриб қолдишди. Бориб қарашса ул зот Баҳроуддин Нақшбанд ҳазратлари экан. Ана шунақа, азизларим. Сизу биз шундай улуг зотларнинг, ўнг қўли қилган яхшиликни чап қўлига билдирмайдиган мардларнинг авлодларимиз...

Янги йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганидан бери бир пайтлар институтда домлаэмиз ҳўқоқа қилиб берган шу воқеани бот-бот эслаймиз. Окқан дарё оқавради, бугун ҳам орамизда шундай жавонмардлар борлиги аниқ. Лекин улар кўпчилигимиз? Дар-ҳақиқат, қилган яхшилигини қай йил биландир юзга солмаслик, ҳеч бўлмаганда орқаворатдан бўлса ҳам фалон ишни мен қилганман дея мактабни қўймастик кишидан қанчалик куч ва ирода талаб қилади!

Икки-уч ойча бурун қариндошлардан бириникида меҳмон бўлибдик. Бироздан сўнг мезбоннинг уелининг ўртоқларидан бири келиб қолди. Озроқ кайфаси ҳам бор. Ўзи ёмон йигит эмас. Икки ўртоқ қирқ чақирим узокликда катта шаҳарга эшак-аравада қонмон олиб бориб сотиб тирикчилик қилишди. Дарвоқе, бу қишлоқ учун эскиларнинг «Ўтин йиғсанг, қул бўлар, сомон йиғсанг, пул бўлар»,— деган сомони

шади. Шунинг учун ким ёки нима ҳақида ёзмай, ўз номи билан атамай қўя қолдим.

...Оқорида айтиб ўтилган қишлоқ осмон гўбамизнинг остида, Тошкент-Термиз катта йўлининг шундоқ устида жойлашган. Аҳолиси минг кишидан ошганига, географияга қизиққан болаларининг «кишлогими ҳам энди Ўзбекистон картасига киритилди!» деб юраги тошганига ҳам тўрт-беш йил бўлиб қолди. Бироқ муаллиф номини ёзмагани би-

хисоёга олинмапти) харид қилади. Кўпчилик учун бу миқдор 3000 сўмга етар-етмасдир.

Таққос: рўзгор бошлиги бозорда боласига 500 сўмлик китобни олиб бермайди, бироқ икки улфат учрашиб, «эчкинг туғибди, ювмайсанми-га ўхшаш арзимган баҳона топила қолса бўлди, 1000 сўмлик ароқни ичиб қўйиши мумкин, болачаксининг рижини қийиб, албатта.

Таассуф: қишлоқда кенг тарқалган шаробхўрлик киллати ҳақида Тош-

чи ақани олайлик. Бир ўғли туман ҳокимиятида ишлайди. Иккинчи ўғли болничада. Ундайларга ишинг тушиб қолиши мумкин. Булар биринчи тоифа — ҳурмат қилишга лойиқ одамлар. Фалончи акалар—иккинчи тоифа. Икки ўғлини ўқитди, ўзи ҳам буди йўқ бўлса-да, олий маълумотли. Уларни озроқ ҳурмат қилса бўлади. Фалончи, фалончи, фалончилар (Битбилдик ўзидан камбағалроқ одамларнинг номини атайди)—учинчи тоифа. Улар ҳурмат қилишга арзимайди».

Отам ҳам бир нарсанинг тағига етмагунча қўймайдиганлар хилдан эди, сўрабди: «Мени қайси тоифага киритасан?». Жавоб: «Сиз мен учун учинчи тоифадаги одамсиз».

Падаримиз ёни кўнглига олганми-йўқми, бизга билдирмаган. Менга алам қиладигани, камбағал бўлса-да, ўша пайти отам икки ўғлини бир тийнсиз институтда, беш фарзандини мактабда ўқитаётган эди. Ҳеч бўлмаса иккинчи тоифага киритса бўлади-ку деб ўйланган ўшанда ва «ноҳажлик қилгани унун» Битбилдикни ёмон кўриб қолганман. Сабаби ўзгарган бўлса-да, то ҳануз фикримни ўзгартирганим йўқ, бироқ ўзимга ўзим худодан инсоф тилаймиз.

Меҳр ва мурувват йили барнамизга оғохлантириш, яхшиликка давлатдор. Фейлимизни, дунёқарашимизни ўзгартирсан, ёмонлар яхши, яхшилар яқин, мушқуллимиз осон бўлиши шубҳасиз.

Дарвоқе, яқинда қишлоқда борганимизда устоз, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Сувонқул Нормуродовни йўқладик. «Ўқишга китоб бериб туринг, муаллим» деди укам. «Мана, фақат қайтариб бериш шарти билан,— ден ҳазил аралаш ташкилади домла,— олганлар қайтариб беришмапти». Шу ўринда ўқувчилик давримда бошқа бир ўқитувчим Авгон Чоршанбаев менга шахматда ютқазиб қўйиб, «Ўн тўққиз чемпион» деган китоб совға қилгани ёдимга тушди. Кўнглимда оиламиз кутубхонасидан мактабимиз ўқувчиларига мен ҳам китоб совға қиламан деган ниёт тугилди. Худо хохла-са Наврўзда қишлоқда борганимизда албатта шундай қиламан!

Яхшиликка ДАЪВАТ

лан қишлоқнинг қаерда жойлашганини картага қараб билиб оламиз деб ўйланганлар адашибди, чунки бугунга келиб маълум бўлишича, ўша болақайлар чучварани хос санашибди. Узоғидан суонтирсин деганлари тўғри экан.

Хуллас, бу қишлоқда биров ўқитувчи, биров тикувчи, биров ўшакчи, биров тракторчи, қўплар бекорчи, бировлар ўғри экан... Турмушу кўпчиликини эзиб қўйган: разм солиб қарасангиз, тўйга кийиб келган шимми даэмолланмаган, ёқа ваيران, тирикчилик ўз йўлига, бир жойдан бир сўм келмаса ҳам фалончиёғ қандай тўй қилаётганига ҳайрон. Ҳайронликданми шига билан улфат, тўй қиламан деб фалончиёғнинг сотиб олгани ўн ашк арок эмас, қулфат.

Тахлил: айни пайтда қишлоқ бозорига 1 кг. гўштнинг баҳоси — 2100 сўм, 1 кг. пахта ёғи — 1000 сўм, 1 кг. қартошқа — 150 сўм, 1 кг. пиёз — 50 сўм, 1 кг. макарон — 250 сўм, 1 кг. гуруч — 250 сўм, 3 кг. сабази — 100 сўм, 1 кг. бугдой — 100 сўм, 1 шиша ароқ — 1000 сўм.

Бир ҳўжаликда ўртача етти жон бўлса, ҳафтада бир бўладиган бозорда қамдан-кам рўзгор бошлиги 7000 сўмлик озиқ-овқат (бугдой

кентда чоп этиладиган катта бир газетада бир саҳифалик «Ароқ ичганимизсиз?» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Шунгаям бир йил бўлибди. Бироқ қишлоқда ҳамон Аллоҳ ҳаром қилган ичкиликнинг шайдолари қаммагани йўқ. Аксинча, бир кун кўчада мақолада шаробхўрлиги танқид қилинган кишилардан бири билан учрашиб қолдик. У мақола муаллифининг саломига алик олмади!

Ҳадис борким, салом алиқсиз қолмағай. Аммо ачинарлиси тўғри йўлга чорланган киши бунга рад этса, устига устак, бундай қилқ қилиб турса гоят хунук қўринаркан... Тўғри, қишлоқда мутлақо шароб ичмайдиганлар, бармоқ билан сарнари даражада бўлса-да, бор. Шулардан бири — Битбилдик. Уни ким қачон шундай атаганини билмайман. Тез гапирганидан лаҳажли шундай бўлса керак. Хом суг эмган бандаман, менинг ҳам ўзимга яраша камчиликларим бор: нимадгир уни ҳурмат юзасидан ақа дейишга тилим бормаиди. Агрпани хом ўргани йўқ. Бировга зиёни тегмайдиган мусиқчадай одам. Бор-йўғи бундан ўн йиллар аввал гадан-гап чиқиб раҳматли отамга деган экан: «Маҳ-марайим ақа, мен одамларни тоифага ажратаман. Масалан, фалон-

▼ FIDOYI YURTDOSHLARIMIZ SURATIGA CHIZGILAR

Бундан уч йилча муқаддам «КамАЗ» машинаси билан узоқ йўлларга қатнайдиغان хайдовчи йигит Исоқбой Саидганиев чарчоғини ёзиш учун Уш шаҳрида йўлнинг устидаги чойхоналардан бирига кириб, тасодифан хонтахта устидаги газета тахмаллари орасида турган «НУҚУҚ» газетасини ўқиб қолади. Нима кўп — янги газета кўп. Шунинг учун бўлса керак, аввал ҳафсаласизлик билан варақлайди. Лекин гал «Рақ билан юзма-юз» номли мақолага келганида, хушёр тортиб, уни синчиқлаб ўқиб чиқади-ю чойини чала қолдириб, машинасини орқага буради. Шу чиқанича йўл-йўлакай Киргизистоннинг Аравонидидаги уйдан саратон хасталигидан азоб чекаётган онасини олиб, Тошкент шаҳар Онкология диспансерининг бўлим мудир, тиббиёт фанлари доктори Голиб Абдуллаевич Ҳақимовнинг қабулига кириб боради.

Яқинда Голиб Абдуллаевич Исоқбойдан табрик телеграммаси олади. Унда шундай самимий сатрлар битилган эди: «Яхши кунларда доим онам билан сизни эсга оламиз. Кўлингиз асло дард кўрмасин, дўхтирхон».



Байрам кунларида Голиб Абдуллаевич кўплаб ана шундай самимий телеграммалар, хатлар, телефон кўнгирикларини ёки шахсан келиб миннатдорчилик билдиришдек меҳр-эътибор кўрсатиб қолади. Ҳамкасблари уни билимли ва жасоратли жарроҳ сифатида ҳурмат қилишади.

Сафдошлари меҳр-мурувати бекиёс, юраги дарё инсон сифатида қадрлашади.

Дўстларининг яқин маслаҳатгўйи, уларни катта ишларга йўлловчи ва қўлловчи бу соҳибдил инсон билан бир марта гаплашсангиз, доим унинг сўхбатини соғиниб яшайсиз. Унда қандайдир бир савқи тиббий, сеҳрли куч борки, унинг қабулига кирган беморлар, ай-

никса, кекса кишиларнинг юз-кўзи чарақлаб, бағрига ишонч қанотини боғлаб чиқади. Бежизга яхши сўз — ярим муваффақият, демаганлар. Бизнингча, Голиб Абдуллаевич муваффақиятларининг сирини ана шунда бўлса керак.

Авалги йили май ойида

дамай хонадан чиқиб кетдим. Улар нимага келишганини суриштирмадим ҳам. Эндиғина 42 ёшга кириб, хали фарзандларини уйли-жойли қилолмаган йигитнинг шу бедаво дарддан ўлиб кетиши ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам оғир эди менга.

риб ўтдим. Ҳар доимгидек қабулида одам кўп. Тез хайрлашишга тўғри келди.

— Катта қизимни ҳуқуқшуносликка ўқитмоқчиман, ундан яхши судья чиқиси мумкин, — деб қолди у дабдурустдан. Кейин менинг савол назари билан қараб турганимнинг

Янги йил интервьюсига сўзбоши

Голиб Абдуллаевич билан Москвага сафар қилишга тўғри келиб қолди. Яна Блохин номли онкология марказининг меҳмонхонасида бирга турдик. Сафаримизнинг учинчи кунини эрталаб икки киши эшикни таққиллаб келиб қолди. Мулозмати-ю гап сўзидан фарғоналиклар. Маълум бўлишича, ака-ука Усмоновлар шифо излаб ахйир Москвага келишган. Касби шифокор бўлган ака — Фарҳоджоннинг ўнг кўлтиги тағида коптокдек ўша бедаво саратон ўсмаси. Қўлида дунёга машхур онкомарказнинг шифокорлари ёзиб берган хулоса: «Иложи йўқ!». Юрагим чи-


Бир ҳафталардан сўнг Тошкентга қайтдик. Кейин Голиб-жоннинг Марғилонга серкатнов бўлиб қолганини эшитдим. Суриштирсам, у ўша москвалик академиклар журъат қилолмаган операцияни Фарғонада ўтказибди. Беморнинг бир кўли, қовирғаларининг саратон тарқалган қисми жарроҳлик йўли билан олиб ташланган. Энди собиқ бемор Фарҳоджон қизини узатишга тайёргарлик кўраётган экан.

— Бизнинг мақсадимиз ҳукм чиқариш эмас, балки сўнгги нафасигача беморни даволаш, умрини узайтириш, — деган эди Голиб Абдуллаевич ўшанда.

Янги йил арафасида Голиб Абдуллаевич Ҳақимовни байрам билан табриклар учун бирров ишхонасига ки-

қўриб қўшимча қилди: — Албатта ҳар қандай касбда билим, тажриба муҳим аҳамиятга эга. Лекин жарроҳлар кўпроқ эркаклардан бўлгани маъқул — жасорат етакчилик қилади. Аёл судьялар чиқарган ҳукмларда меҳр-мурувват устувор бўлиши эса табиий ҳол.

А.АБДУХОЛИҚОВ



▼ МУНОҚАМА UCHUN MAVZU

Айрим одамларнинг миясига шундай бир фикр муҳрланиб қолган: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этилди, марҳамат қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари шуғуллансин». Тўғри, бу уларнинг бевосита вақолат доирасига қиради. Аммо бу ўз навбатида жамиятнинг ҳар бир фуқароси олдида турган масъулиятли бурчлардан бири эмасми? Сиз истиқомат қиладиган кўп қаватли уйда ёки маҳаллада кимдир қўшмаҳона сақлаб, фохишбозлик билан шуғулланиб, бойлик орттираётганидан хабарингиз бору, аммо улардан юзигизни буриб кетаварсан. Сизга ортиқча галва, ур-сур, тўпалон, югур-югур, сарсон бўлиб гувоҳлик беришининг, энг асосийси, атрофдагилар кўзига ёмон кўринишининг нима кераги бор? Аммо бу ҳол фарзандларимизга қандай таъсир кўрсатади? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

- Синглинг ҳам онангнинг нима иш билан шуғулланишини биладимиз?
- У мендан ҳам кўп нарсани билади. Ҳамма нарсани уйимизда, унинг кўз ўнгиде бўлса... — бошини яна қуйи солади Шерзод.
- Қани энди уни ҳам олиб кетолсам. Афсуски, бунинг иложи йўқ-да.
- Нега энди?
- Қиз боланинг иши қийин-да...
- Онангни бу йўлдан қайтариша уринмаганимсан?
- Қизиқсиз-а? Онам мени одам ўрида



Ким айбдор?

кўрганларида бу ишни қилмаган бўлардилар. — Шундай дея йўғлаб юборди. Балки у шу тобда дунёга келган кунига, шундай онандан тугилганига лаънатлар ўқийётгандир. Балки онасининг қилмишлари учун бутун дунёни айблаётган ҳам бўлиши мумкин. Биз ҳам мурғак вужудда мавжуд бўлган нафратнинг бутунлигидан, уни дунёга келтирган, тарбиялаган, едирган, ичирган онаси бўлишига қарамай, уни қоралаётган Шерзоднинг жасорати, кўтарайтган исёни ҳақида бирон нарсани дейишга ожиз қолдик...

Ривожланган мамлакатларда фохишалик билан шуғулланган шахслар учун жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган. Бизда эса фақат «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»-ги кодекснинг 190-моддаси орқали жавобгарлик мавжуд: «Фохишалик билан шуғулланиш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жазима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўрилгандан кейин бир йил давомда такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача жазима солишга сабаб бўлади». Назаримизда қонун ижодкорининг маъмурий жазо чораси батафсил ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри,

орамизда «фохишбозлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ноўрин, бу инсон ҳуқуқларига зид ҳолат, чунки фохишалар ҳам жинсий эркинлик талаб қилишга ҳақли» дегувчилар ҳам топилади. Аммо бугунги куннинг талаби бутунлай ўзгача. Унинг томирлари булган қирқилмас, мазкур муаммо бундан оғир фожеаларни етаклаб келиши мумкин.

«ОИТС касаллигининг биринчи аломатлари XX асрнинг 50-йилларида Африка (Уганда, Жазиор, Кения, Зимбабве, Танзания), Америка (АҚШ, Канада, Бразилия, Мексика) мамлакатларида кузатилаётган эди. Кўп ўтмай у шу қадар тез тарқалдики, бугунги кунда жаҳоннинг 193 миллатида «томир» отди. «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 1996 йилги маълумотларига кўра, дунёда 21,8 миллион одам шу касалликлар билан оғриган бўлиб, дەرли ярими 15-24 ёшдагилар экан. 1997 йилда Ўзбекистон микросида ОИТС билан касалланган сони 45 нафарни ташкил этган бўлиб, уларнинг 27 нафари чет эл фуқаролари ҳисобланади» («Ҳуқуқ, Право. LAW»).

Мазкур масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида 2003 йилнинг март ва май ойларида Андижон шаҳри ҳудудига ахлоқ-

танасини пул эвазига сотаётган 157 нафар фохишалик билан шуғулланувчи аёллар вилоят тери-таносил касалликлар шифохонасига тиббий кўриқдан ўтказиш учун юборилди ва тиббий кўриқдан ўтиш даврида 24 нафаридан ҳар хил турдаги таносил касалликлари аниқланиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифохонага ётқизилди.

Уз хонадонларини фохишаларга айлан-тириб, пул эвазига нотаниш шахсларга жинсий эҳтиёжларини қондиришларига шариот яратиб берган 13 та далил бўйича Жиноят кодексининг 131-моддаси билан (фохишона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш) жиноий иш қўзғатилди.

Жумладан:

- 2003 йил 6 февраль куни соат 14 ларда Қўшарик даҳасида яшовчи, ишламайдиган М.Тожибоева минг сўм эвазига андижонлик М.О. ҳамда олтинқўлик Ёларга жинсий эҳтиёжини қондириш учун шариот яратиб берганида ушланди.
- 2003 йил 15 февраль куни соат 21 ларда чамасида У.Зокирова Андижон туманида яшовчи Ш.га 6.000 сўм пул эвазига таниши И.ни жинсий эҳтиёжини қондириш учун қўшиб берганида ушланди;
- Юқоридеги далиллар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, уларга нисбатан чора қўришлик учун шаҳар судига юборилди.


Бундай фактларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо узундан-узун рўйхатнинг кимга кераги бор? Қайд қилинганлари эса фикримиз учун далил бўлиб хизмат қилади. Инсон деган номга нолайиклар билан бир маҳаллада истиқоат қилувчи одамлар кўзларини янада каттароқ очсинлар. Бугун улар қўлоқларини беркитиб, кўзларини юмиб олаётган бўлсалар, келажак авлод ҳаммасидан бохабар бўлиб турибди. Бундай салбий ҳолатларни уларнинг уйғоқ қалбларидан қандай қилиб яшириш мумкин? Биз қачонгача жамиятнинг оғриқ нуқталарига бефарқ ва лоқайд муносабат билдирамиз? Қачон жамиятнинг дарди бизнинг дардимизга айланади? Ойнаи ҳақиқатда ҳар хил томошаларни кўравериб, газета-журналларда тўлиб кетган «ярим кўнгиллар» ҳасратини ўқийвериб фарзандларимизнинг дийдалари тошдек қотиб кетмоқда. Юрагимиздаги гуворлар қалинлашиб кетган экан, ҳеч бўлмаса поэзия ва бегубор кўнгилларга гардқўндирмайлик!

...Юқоридеги келтириб ўтган қаҳрамонимиз Шерзод эса ҳозирда Россиянинг совуқ ўлкаларида ўз бахтини излаб юрибди. Аммо унинг бахти ҳеч қачон тўқис бўлмайди. У доимо синглисини ўйлаб тунлари тўлғониб чиқади, ҳар хил режалар тузади. Дунёнинг ишлари олдида инсоннинг оқилигидан оғирланиб, «эртага албатта бунинг иложини топаман» дея ўзига тасалли берганча уйкуга кетади...

Нилуфар МҮМИНОВА,
милиция капитани, Андижон вилояти ИИБ матбуот бюроси катта инспектори

Туманлардан бирида босқинчилик жиноятини содир этишда гумон қилинаётган ўсмирлардан бири билан яқиндан суҳбатлашишга тўғри келди. Келинг, уни Шерзод деб атай қолайлик. Шерзодни бир кўрган одам ҳеч нарсадан ками йўқ, ҳавойи ҳавасларга беэриган ёш деб ўйлайди. Аммо унинг ҳис-қуйғулари, ички дунёси билан ошно бўлган эши бунинг шунчаки бир никоб эканини энглайди. Чунки Шерзоднинг онаси уйда қўшмачилик билан шуғулланади.

- Энди нима қилмоқчисан?
- Россияга кетаман.
- Қайси пулга кетасан?
- Пулим бор. Опам жўнатган. — У шундай «ей чўнтагдан бир даста пулларни олиб кўрсатади.
- Нима учун узоқ жойларга кетмоқчисан? Аир, бу ерда онанг, синглинг бор.
- У онаси ҳақида гапирганимизда биз тарафга ялт этиб қаради. Онаси ҳақдаги барча маълумотларни билишимизни сезгач, нигоҳлари янада маъюслашди. Гўёки онаси қилган ноқонуий хатти-ҳаракатлар учун аниқ, орлик ҳиссини туйётгани озорларидан шундоқ сезилиб турарди.
- Олдин ҳам кетиб қолганман. Тошкентга. Вокзалда ётиб юрганман. Лекин 12 ёшга кирган синглим бор, шунинг учун қайтиб келишга тўғри келган. Бўлмаса сира ҳам қайтиб келмасдим.
- Сенинг орқандан онанг роза хуноб бўлиб излагандир...
- Онамин менинг бор-йўқлигим қизиқ-



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

2001 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинган эди. Утган давр мобайнида Бош қонунимизни ўрганишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилди, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курслари ишлаб чиқилди. Конституцияни ўрганишга оид дарсликлар ва махсус адабиётлар нашр этилди. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқий савияси ва маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар катта самара бермоқда.

конституциявий ислохотга зарурат туғилиши табиий. Мантиқан олиб қараганда, Ўзбекистоннинг 1978 йилги конституцияси ҳам давлатимизнинг ҳозирги кундаги мақомига, алаҳуссус, фуқаро билан давлат, шахс билан жамият ўртасидаги муносабат меъёрларига, халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб бермай қўйган эди. Мавжуд талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда

гизидир. Оила турмуши ва виждоннинг адолатли қонуни борасида таркиб топади. Унда демократик тамойилларга асос солинади, одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қадриятлари шаклланади. Айнан шу боис ҳам Ўзбекистонни шу заминда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари билан жипслашган катта оиласи деб тушуниш мумкин. «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуқлиги сўзсиз тан олинади», — деб

ясида ифодаланган қоидаларни ўзининг конституциясида мужассамлаштириб олган.

Ўзбекистон ҳуқуқлари устуворлиги ғояси ижтимоий онга сингдирилди. Жамиятимиз ҳаётида «Мустақиллик ҳуқуқ демократия» деган ақида асосида ўзликини аниқлаш, эркин фаолият юритишга ўрганиш ва ҳуқуқларни таниш жараёни кечмоқда. Ана шу жараённинг маҳсули сифатида юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми, унинг институционал тузилмалари: Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинг институти, Ўзбекистон Болалар жағмармаси ва бошқалар ташкил топди.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан қилган маърузасида шундай деган эди: «Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан конституция ва қонунларимизда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади».

Маълумки, инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи мақомга эга. Ҳар қандай демократик мамлакатда ҳуқуқий давлат қуришининг асосий шартини инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалдаги тизими ташкил этилишидир.

Бугунги кунда жаҳонда инсон ва фуқаролар ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар 300 дан ортиқни ташкил этади. Уларнинг аксари БМТнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларидир.

Ўзбекистон ҳозирда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш соҳасидаги 60 та халқаро ҳуқуқий ҳужжатга имзо чеккан.

Айни пайтда инсоният цивилизацияси тараққиётини инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш муаммосидан айрича қўриб қишиш мумкин эмас.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя этиш борасида умумжаҳон жараёнига фаол қўшилди. Шунинг билан республика томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида», «Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактлар, БМТнинг «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида», «Ирқий камситишнинг барча шакллари»нинг йўқотиш тўғрисида», «Қийноқлар ва инсон кадр-қимматини ерга урувчи муаммолар ҳамда жазо турларига қарши» конвенциялар ратификация қилинди. Бу ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини соҳасидаги халқаро ҳуқуқий андозаларни қабул қилиш жараёни самарали кечаётганидан далолатдир.

Демократик

ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек сиёсий мақсадларга эришиш, шунингдек соҳиб тоталитар тузумдан инсонпарвар демократик тузумга ўтишда конституция катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, авваламбор фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Зеро, жаҳон таърибидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас.

Ифтихор ҳисси

Одатда гўдакнинг тилида жаранлаган илк сўз «она» бўлади. У ҳамма тилда бирдай жаранлайди. Ватан сўзи ҳам шундай. Ватанга муҳаббат ўзига хос, ўзига мос тарзда юракда яшайди. Шу туйғуни «она» ва «Ватан» сўзларининг жуфт ёзилишида азим ҳикмат бор. Ота-боболаримиз таъкидлаганидек, бу каломлар иймон сўзи билан ҳам бақамти ва муштарак. Шунинг учун бўлса керак, ҳадиси шарифда «Ватанин севмоқ иймондандир» дея эътироф этилган.

1992 йили бутунлай янги, Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлатнинг тўла суверенитетини қонулар билан кафолатлайдиган, халқаро сиёсат ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш тамойиллари ўз ифодасини тошган, замонавий ва миллий аъёнларини, жаҳон давлатчилиги таърибасини ўзида мужассам этган конституция қабул қилинди.

Беназир алолма Абу Наср Форобий ёзганидек: «Бахт-саодатга эришув йўлида нимаки ёрдам берса, уни сақламоқ ва мустақамламоқ, нимаки зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур».

Халқимизнинг ватанпарварлик туйғуси, унинг тенглик ва озодлик, бахт-саодатга интилиши ҳар бир Ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этиши муқаррар экан, бу борода дастлаб Асосий қонунга таянлади.

Кўна тарих ўзбек халқи зиммасига гоят улуг бир вазифани юклади. Бу Ватанин Ватан қилиш бурчидир. Ўзбекистон Конституцияси шу бурчини теран англаган халқнинг орзу-умидларини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фуқароларнинг жамият олдидagi масъулиятини, халқнинг бахт-саодати учун доимий равишда ҳаракат қилишини, конституция ва қонунларга риоя этиш, касб маҳорати билан боғлиқ юксак ватанпарварлик бурчини тушунишларини сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисми деб ҳисоблаш мумкин.

Аслида ижтимоий адолат тамойили авваламбор оиладан бошлади. Зотан, оила жамиятнинг не-

белгилаб қўйилади Конституциянинг 15-моддасида. Бунинг моҳияти шундаки, Конституция ва қонуннинг олдида барча тенгдир. Давлатнинг қонунига риоя, мансаби, миллати, ирқи ва динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча тенг бўйсунмоғи ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг манфаатлари йодаси учун ҳуқуқий асослар яратиб берди. Шу билан бирга, ҳар бир оиланинг бахти ва фаровон ҳаёти учун давлатнинг масъулиятини кафолатлади. Бу ҳар бир ўзбекистонлик қалбида ифтихор ҳиссини шакллантириши муқаррар.

Бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қалбида озми-кўпми ана шу истак туғилаётгани қувонарли ҳол. Ўзбекининг шоир бўлмагани кам деганларидек, бу мунис туйғунинг ҳар бир дилга илҳом солаётганлиги ҳам бор гап. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: «...ўз мамлақати билан фахрланидиган инсон жуда кўп нарсаларга қодир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади».

Карима НУРМАТОВА, Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси



Беганч ЭШҚУВВАТОВ

Ривожланган демократик мамлакатларда давлат ҳокимияти конституция тарзидаги қонулар қўринишида расмийлаштирилади. Шу боис конституция давлат ҳокимиятининг моҳиятини акс эттирувчи, унинг фаолият принципларини расман ифодаловчи асосий ҳужжатдир.

Маълумки, дунёда биринчи ёзма конституция 1787 йил АҚШда қабул қилинган. Лекин бу «конституция» атамаси 18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ишлатилган дегани эмас. Чунки қадимги Римда I асрда император томонидан қабул қилинган қонунлар конституция деб аталган ва бу вақтда улар ҳуқуқнинг энг муҳим манбаларидан бирига айланган. Конституциялар дастлаб фақат оммавий тартибдаги масалаларга тааллуқли бўлган, кейинчалик ҳуқуқий тартибга солишининг ҳамма соҳаларини қамраб ола бошлаган.

Конституция муайян ҳуқуқий ҳусусиятларга ва ўзига хос вазифаларга эгадир. Чунки у, авваламбор, ҳуқуқий ҳужжат сифатида дав-

Конституция — келажак пойдевори

латнинг асосий қонунидир. Конституциянинг нормалари олий юридик кучга эга бўлади. Конституциянинг моҳиятини белгилловчи энг асосий қоида унинг инсонга хизмат қилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари биринчи ўринга чиқарилганидир.

Юқоридagi ҳусусиятини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистоннинг Конституцияси, ҳуқуқшунос олим Акмал Саидовнинг таъбири билан айтганда, унинг паспортидир. Юқоридagi ҳусусияти инсоннинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Асосий қонун халқимизнинг озодлик учун олиб борган машаққатли кураши натижасидир. Конституциявий бино пойдеворини

бунёд этишда ўзимизда тўпланган кўп асрлик давлатчилик таърибасига таянилган.

Конституциямизда белгиланган тартиб-қоидалар, ҳуқуқ ва эркинликлар фуқаролар ҳаётини чегаралаш, қолибга солиш учун эмас, балки жамиятда тинч-тотув, тартибли муносабатларни йўлга қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситишига йўл қўймайлик учун хизмат қилади. Конституцияимизнинг моҳиятини аниқлаш, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилиб яшасаккина мамлакатимизнинг қудратли бўлишига муносиб ҳисса қўша оламиз.

М.ЭГАМБЕРДИЕВ, ТДЮИ талабаси

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидан тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси.

SUD OCHERKI

Зулхумор Маърупова узокдан келаётган Олимга кўзи тушган захоти беихтиёр кувониб кетди. Калаванинг учи топилган эди.

эридан қутулиш йўлини изларди. Агар Ҳасан билан суд орқали қонуний ажрашаман дейдиган бўлса, катта муаммо туғилиши аниқ эди. Турмуш ўртоғи ҳам анойилардан эмас, ахир. Ўз ҳақ-хуқуқини яхши билади. Унинг ҳам оталик ҳуқуқи бор эди. Болаларидан бирини тарбиясига олиш учун даъво қилиши мумкин. Энг асосийси, бундай пайтда ўртадаги мол-мулк, уй-жой, автомашиналар ва бошқа жамғармалар бўлиниши турган гап.

Орадаги бошқа сирларни ошкор қилса-чи? Таъқиб қилиб, тинчлик бермаса-чи?

Зулхумор шулар тўғрисида кўп ўйлайди ва ниҳоят қатъий қарорга келади. «Йўқ, бу бошогриқдан бир йўла қутулиб қўя қолмаса бўлмайди. Бунинг ягона йўли уни ўлдиртириш, тамом-вассалом. Топган мол-дунёсини осонгина бериб қўядиган аҳмоқ йўқ. У

Иккаласи анчагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.
— Бир иш қилмайми? — деди сўнг Олим мудоага ўтиб.
— Нима иш экан?
— Жиддий масала. Бунақа ишлар ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сизнинг юрагингиз дов берадимиз ўзи, — қулди у.
— Аввал эшитайлик қани...
— Қисқаси, гап бундай. Ҳасан акани отиш керак. Хотини «кўки»дан ўн минг ваъда қилаяпти.
— Қайси Ҳасанни?
— Милицияда ишлаган Ҳасан бор-ку?..
— Ҳа, ўша Ҳасанми? Унинг қўлида ўтирганман. Мени урган. Текинга бўлса ҳам ўлдираман. Пул-ку зарар қилмайди. Қулоғимгача қарога ботганман.
— Ака, ўша зорманда менга ҳам сув билан ҳаводек зарур. Чўнтакда ҳеч вақо қолмади. Хўш, нима дейсиз, келишдикми?

кинчи қаватидаги электр чироқни ёқиб қўяман. Дадил ҳаракат қилаверинглар, қароватда Ҳасаннинг бир ўзи ётади. Мен тепага чиқиб тураман...
Уша куни Олим Жўрани уйига бошлаб келди. Унга ароқ қуйиб, меҳмон қилди.
— Бугун тунда «заказ»ни бажаришимиз керак. Хизматингиз эвазига «кўки»дан уч минг бераман, — дейди унга.
— Гап йўқ, ест қиламиз.
Улар тун ярмигача карта ўйнаб ўтиришди. Қуролдан отишни машқ қилишди. Сўнг Олим вазиятни биلىш учун кўчага чиқди. Қарасаки, иккинчи қаватдаги хона чироғи ёниқ. У тезда изига қайтди.
— Вақт бўлди, кетдик.
Иккаласи манзилга етишгач, девордан биринчи бўлиб Жўра ошиб ўтди. Унга Олим ёрдамлашиб юборди. Қуролни дарвоза

бат Олимга келганда у қутилмаганда қилмишига икром бўлади. «Жўра билан шу ишни қилдик» дейди. Ҳатто унинг кўрсатувиغا асосан уйдан жиноят қуроли — матога ўралган автоматни топишди.

Шундан сўнг Жўра ҳам тилга қиради. Бўлган воқеани бир бошидан гапириб беради. Аммо кейинчалик негадир Олимнинг фикри ўзгарган. У суддаги кўрсатувида аллақандай эртанаммо воқеаларни баён этган. Бу ташқи кишиларнинг маслаҳатига биноан З.Маъруповани жазодан қутқариш, келгусида эса унинг ёрдами билан ўзи ҳам сувдан қуруқ чиқиш мақсадидаги уришдан ўзга нарса эмас эди.

Зулхумор айбига умуман икромлик билдирмасдан минг хил найраган тўқиди.

У ўзининг дастлабки кўрсатувларида қотил кўриб қолиб, унга қарата ҳам бир марта ўқ узганлигини баён этган.
Бирок терговда унинг бу важи тасдиқланмаган. Суддаги кўрсатувида эса турмуш ўртоғи билан тинч-тотув яшаганлиги, уруш-жанжаллар бўлмаганлиги, бир-бирини ҳурмат қилганликларини пеш қилган. Жабрланувчи хуСУсида нуқул «Ҳасанжон ака, Ҳасанжон ака...» дея оғзидан бол томиб гапирган.

АфСУски гувоҳларнинг кўрсатувлари бунинг аксидан далолат беради.
Бу дунёнинг ишлари қизиқ экан. Ҳатто судда жабрланувчининг яқин қариндошлари ҳам Зулхуморга нисбатан бағрикенглик қилишган.

Муштипар онаси: «Невараларимга ачинаман. Раҳимим келди. Ҳозирги вақтда улар ҳам отадан, ҳам онадан ажраб қолишган. Ота-она меҳрига зор. Энди Ҳасанжоним барибир қайтиб келмайди. Фойдаси йўқ. Судланувчиларни худога топширдим», — дея олади зор қақшаб.

Жабрланувчининг акаси эса суддаги кўрсатувида очикдан-очик З.Маърупованинг тарафини олади. У бундай деган: «Тергов органи Зулхуморга нисбатан нотўғри айблов эълон қилган, келинчининг айби йўқ. Укамнинг ўлимининг ундан кўрмайман. Унга нисбатан даъвомиз йўқ. Уни қамоқдан озод қилишларингизни сўрайман».

Начора, биз ҳар қанча олижаноб бўлмайлик, жиноят жазоси қолмаслиги лозим.

Зулхумор Маърупова, Олим Мамарасулов, Жўра Қўчқоровлар суд томонида мазкур жиноят иши бўйича айбдор деб топилдилар.

З.Маърупова ўн уч, О.Мамарасулов ўн тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ж.Қўчқоров эса ўта хавфли рецедивист деб топилди. Унга нисбатан йигирма йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, О.Мамарасулов ва Ж.Қўчқоровга нисбатан бу гап Ўзбекистон Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги фармони қўлланмади. Минг афСУски, З.Маърупованин ўн уч ўн тўрт ёшдаги ўғли Алишер ва қизи Шохиста ҳам ота, ҳам она меҳридан жудо бўлди.

О.Мамарасулов уч кун аввал уйлانган эди. Унинг ҳам не-не орзу-умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалоло ўқсиб қолаверди.

Қиссадан ҳисса шуки, но-корлар адолатли равишда ўзлари қазиган чоғга ўзлари қулашди.



Бировга қазимагил чоҳ,
Ўзинг тушгайсан ногоҳ.
Халқ мақоли.

ЧОҲ

«Нексия» миниб, ялло қилиб юрсинми? Йўқ, ундан кўра ўша машинани ўзгаларга «тортиқ» қилгани минг қарра афзал.

...Зулхумор бир амаллаб фикрларини жамлади.

— Олим, тўхтанг, сизда ишим бор, — деди у ёнидан ўтиб кетаётган йигитга.

— Опа, ҳозир шошилиб турибман. Кейин гаплашамиз.

Олим билан Зулхумор қўшни бўлишган. Улар икки кундан сўнг яна дуч келиб қолишади.

— Қулогим сизда, мана энди нима гапингиз бўлса айтаверинг.

— Олим, биламан, мард йигитсиз. Шунинг учун сизга бир гапни айтмоқчиман.

— Нима гап? Бемалол айтаверинг.

— Менга ишончли одам керак. Турмуш ўртоғим билан келишолмай юрибмиз.

— Ниятингизни тушунолмаяман. Очикроқ гапирсангиз-чи?

— Ҳасанни отиш керак.

— Отиш?!

— Ҳақини ҳам хизматларингизга яраша оласизлар. «Кўки»дан ўн минг бераман.

— Менда қурол йўқ-да.

— Бўғини менга қўйиб берақолинг. Ҳазим топаман. Сиз йигитлик сўзини берсангиз бас.

— Бўпти, ўйлаб кўраман.

Олим ўша кунлари пиво заводининг стадионига ўйнагани бориб Жўрани учратиб қолади. Тут-қунликда у билан бир камерада ўтирган.

— Келишдик.
— Ташланг бешни!

Олим тезда бу «хушхабар»ни Зулхуморга етказди.

— Шерик топдим. Бўпти, розиман. Лафзингиздан қайтмасангиз бўлди.

— Ҳе, укагинам-ей. Бунақа гап билан ўйнашиб бўладими? Хотиржам бўлинг, опангиз қирқ ўлаб, бир кесадиғанлар хилидан. Ҳаммаси қандай келишидан бўлса, шундай ҳал бўлади.

Телефон рақамингизни айтинг.

Кечки маҳал телефон жиринглади. Гўшаки Олим кўтарди.

— Олимбек, яхшимисиз?

— Раҳмат.

— Уйда ким бор?

— Битта ўзимман.

— Жуда яхши. Ундай бўлса хозир бораман.

Бир пасдан сўнг Зулхумор «Адидас» сумка кўтариб келади. Унинг ичидан автомат чиқаради.

Олимга қуролга ўқдонни ўрна-тишни, битталаб ва бирийўла отишни ўргатади.

— Сиз Ҳасанни тинчитинг. Келишилган пулни унинг еттиеси — маъракаси ўтгач, эртасигаёқ ўзим келтириб бераман.

— Бунга қандай қафолат берасиз?

— Қурол сизда туради. Агар айтилган кунда келмасам, уни органга топшириб, сирни ошкор қилишингиз мумкин. Қочиб қаерга ҳам борардим.

— Тўғри айтасиз.

— Эрта эмас, индинни мўлжалланглар. Ҳа-я, Ҳасан ухлагандан сўнг уйимизнинг ик-

остидан узатиб, кейин Ўзи ҳам девордан ошиб ўтди. Шеригини ҳовли ўртасидаги темир сўри тарафга бошлади. Унинг устига пашшахона тutilган, ичида бир киши ётарди.

— Отинг!

Жўра Олимнинг хитобини эшитган захоти автомат илгирини тортди. Ногоҳон ўт қақнаб, пақиллаган овоз янгради.

— Жўра, бўлди кетдик.

Олим яна шеригининг оёғидан кўтариб девордан ошиб ўтишига ёрдамлашди. Ўзи эса дарвозадан ошиб ўтди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Зулхумор ички ишлар бўлимига кўнғирок қилди. Телефон банд эди. Сўнг онасига кўнғирок қилди. «Кўвингизнинг бошида бир одам қуролга ўхшаш нарса кўтариб турибди. Нимадир панқиллади. Милицияга кўнғирок қилинг», — деди.

Бу ҳақда милицияга ҳам хабар берди. Улар етиб келишгач, жабрланувчини биргалликда касалхонага олиб борадилар. Шифокорларга «Нима бўлса ҳам олиб қолинглар» дея илтимос қилади.

Бирок Ҳ.Маърупованин паймонаси тўлган эди. У ўқотар қурол билан етказилган жароҳат оқибатида ўша тундаёқ оламдан ўтади.

Тезкор тергов гуруҳи аъзолари гўмондорларни бирин-кетин сўроқ қила бошлашди. Ниҳоят навабт Ж.Қўчқоровга келди. У айбини умуман бўйинга олмагани учун қўйиб юборишади. Нав-

HISOBOT

Яқинда ЖСТ инсоният саломатлигининг 2003 йилдаги ҳолати бўйича ҳисоботини эълон қилди (World Health Report 2003). Кўпчилик муаллифлари сўзбошида таъкидлаб ўтганларидек, ушбу ҳужжатни халқаро ҳамжамиятга эълон қилишдан кўндаланма мақсад — дунё миқёсида соғлиқни сақлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг реал ҳолати ва соҳадаги долзарб муаммоларни ойдинлаштиришдан иборатдир. Куйида мазкур ҳужжатни қисқача шарҳлаб ўтамиз.

МУҚАДДИМА

ЖСТ инсон саломатлиги деганда жисмоний, руҳий ва ижтимоий беҳбудликни назарда тутлади. Ташкилот Ер юзи аҳолисининг саломатлигини энг юқори даражага кўтаришни ўзининг асосий мақсади деб белгилайди. Бироқ воқелик ва идеаллар ўртасидаги тафовут жуда катта. Ҳужжатда келтирилган мисоллар Ер юзи аҳолисининг замонавий медицинадан фойдаланиш даражаси турлича эканлигини кўрсатади. Маълумки, дунёнинг ривожланган ва қолоқ мамлакатлари ўртасидаги фарқ кундан-кун ортиб бормоқда. Бу эса, ЖСТ нуктаи назарича, келажакда анча кескин муаммоларни, хусусан, инсоният саломатлиги билан боғлиқ улкан муаммони туғдиради. Ташкилот бири япониялик, бири сьерра-леонелик икки янги туғилган қизалоқлар қисмати таққослаш орқали инсоният саломатлиги келажакдаги ўзига хос баъорат қилади.

Ж а ж ж и япон қизи туғилиши биланок турли хасталикларга қарши эмланади, зарур миқдорда тўйинтирилган озуқа билан таъминланади. Соғлом ва дуркун бўлиб ўлгайиб, маълумоти бўлади. Турмушга чиқадиган, ҳомиладорлик даври унинг ўзи ва боласи учун ҳеч бир асоратсиз кечади. Қартайганида қарилликнинг сурункали хасталикларига чалиниб туради, бироқ юқори сифатли дори-дармонлар турганда бу унчалик ташвиш туғдирмайди. Дори-дармонлар унинг соғлиғи, демакки, ҳаётининг яхшиланшига ёрдам беради. У бу дориларни керагича сотиб олиш имкониятига эга. Япон аёли ўша даврга келиб бир йилда 550 долларлик миқдордаги дори-дармонлар билан таъминланган бўлади. Японияда туғилган бу бахтли қизалоқ тахминан 85 йил умр кўради.

Дунёнинг қолоқ мамлакатларидан бири, Африка қитъасидаги Сьерра-Леонеда туғилган қизалоқнинг тақдири эса ачинарли. У туғилганида турли касалликларга қарши эмланмайдиган, тўйиб овқатланмасликдан азобланади. Тўйимли ва сифатли озуқалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади (ЖСТ бунда мамлакатнинг кейинги йилларидаги иқтисодий аҳолидан келиб чиқмоқда. Агар мамлакат иқтисодиётида кескин бурилиш содир бўлса, табиийки аҳоли бошқачароқ бўлиши мумкин). Табиат неъматларини дариғ тутмаган бўлса, касалликларни енгиб ўтати. Турмушга эса вағба ётмаёк чиқиб кетади, кампада олтига фарзанд кўради. Ҳомиладорликнинг оғир асорати ва камқувватлик оқибатида фарзандларидан бири туғилибқотиб нобуд бўлади. Сифатли дори-дармонга унинг қўли қалтилик қилади: бир йилда дори учун 3 доллардан кўп

сарфлай олмайди. Сьерра-леонелик аёлга қариллик гаштини суриш насиб этмайди. Сабаби, у ўзининг япониялик тендошидан анча олдин, тахминан 36 ёшида вафот этади.

Ташкилот ушбу таққос орқали ривожланган мамлакатларни қолоқ мамлакатларга кўмак беришга чақиради.

ЖСТ ҳисоботининг ҳар бир бобида дунё соғлиқни сақлаш ташкилотлари фаол ҳамкорлик қилиши зарурлигига ургу беради.

1-БОБ. ИНСОНИЯТ САЛОМАТЛИГИ

Маълумки, ўтган асрда инсониятнинг ўртача умри узайиши-

кўплаб давлатлари томонидан қабул қилинган бўлса-да, айни пайтда ундан кўндаланма мақсадларга етишиш имкони йўқ. Бунинг асосий сабаби бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасида зарур ҳамкорликнинг ўрнатилмаганлигидир.

3-БОБ. СПИДГА ҚАРШИ КУРАШ

СПИД эпидемияси бугунга келиб нафақат кўплаб миллиятлар соғлиғига, балки дунё иқтисодиётига ҳам улкан хавф туғдирмақда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим мамлакатларда, масалан Бразилияда профилактик тадбирлар натижасида ушбу

нинг йўлга қўйилиши катта аҳамиятга эга. Инфекция тарқалиш даражаси мамлакат санитария-эпидемиология хизмати тизимининг аҳолига ҳам боғлиқ. Эпидемияга қарши ўтказиладиган тадбирлар ҳукурат томонидан кўллаб-қувватланиши зарур.

6-БОБ. ЮКУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАР ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДАГИ ШИКАСТЛАНИШ «ЭПИДЕМИЯЛАРИ»

Бу бобда, таъбир жоиз бўлса, яширин эпидемиялар ҳусусида гап боради. Биринчи галда бу «эпидемия»лар қаторига юрак-

Шунингдек, инсон саломатлигига сезиларли таъсир ўтказётган сабаблардан яна бири автомобиллар ҳаракатидир. Фақатгина автоҳалокатларнинг ўзидан ҳар йили 20 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда. Бундан ташқари тизимик инқилобнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари ҳам мавжуд. Европа ва АҚШда экологик хавфсизлик меъёрлари қатъий белгилаб қўйилган. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам шундай қатъий чора-тадбирлар тизимини қабул қилиш керак.

7-БОБ. 1978 ЙИЛГИ ОЛМОАТ ДЕКЛАРАЦИЯСИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН БУГУНГИ ТАЛАБЛАР

ЖСТнинг фикрича, соғлиқни сақлаш борасидаги ишлар асосида аввало тиббий-санитария ёрдами турмоғи керак. Бу эса 1978 йилда қабул қилинган Олмаот декларацияси принципларини ифода этади. Жумладан: саломатлик инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири ва бутун жаҳон мамлакатларининг ижтимоий вазифасидир; саломатлик ҳаётнинг тараққиётининг ажралмас қисmidир; инсонлар саломатлиги ўртасида кескин тафовут мавжуд, бу эса барча мамлакатлар учун энг долзарб вазифадир. Бу тафовут имкон қадар камайиши керак; инсонлар индивидуал тарзда ва жамолар таркибиде соғлиқни сақ-

Саломатликка не етсин

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2003 йилга доир ҳисоботиغا шарҳ

Инсониятнинг 2003 йилдаги саломатлиги қандай бўлди? Жаҳон миқёсида соғлиқни сақлашга доир қандай ишлар амалга оширилди? Истиқболда қандай вазифалар амалга оширилиши керак? Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2003 йилга доир ҳисоботида ана шу масалалар таҳлил этилган.

га ва болалар ўлими кўрсаткичининг камайишига эришилди. Бироқ, ЖСТнинг фикрича, бу

эпидемия тарқалишининг камайишига эришилди.

СПИДга қарши курашда профилактик чора-тадбирлар билан бир вақтда касалликка қарши дорилар комплекси муҳим аҳамиятга эга. ЖСТ ҳатто шундай дориларни лицензиясиз чиқаришга рухсат бериш ҳақида тақлиф киритди. Ташкилот бу ҳолат камбағал давлатлар учун бир имконият деб кўрсатмоқда. ЖСТ режасига мувофиқ 2005 йилга бориб бундай даволанишдан 2 миллион африкалик баҳраманд бўлади. Аммо барчамиз тушунамизки, бу етарли эмас.

4-БОБ. ПОЛИМИЕЛТИНГ ЙЎҚ КИЛИНИШИ

Замонавий тиббиёт бу оғир касалликни бир пайтлар ҳақиқий қизамиқ йўқ қилингани каби йўқ қилмоқчи. Бунинг учун ҳам ўша синовдан ўтган услуб — эмлашдан фойдаланилади.

Ушбу касалликка қарши болаларни эмлаш эпидемия тарқалиши хавфи юқори бўлган минтақаларда 10 миллион нафар кўнгли ёрдамида ўтказилди. Эмлаш тадбирлари натижасида полимиелитга чалинганлар сони йил сайин камайиб бормоқда. 1998-2003 йиллар ичида касаллар сони юз марталаб камайди, хасталик қайд этилган мамлакатлар сони эса 125 тадан 7 тага тушди. Мазкур кампанияни самарали яқунлаш қўшимча маблағларни талаб этади.

5-БОБ. ЯНГИ КАСАЛЛИКЛАР. SARS

2003 йилда инсоният саломатлиги ва глобал иқтисодиётга СПИДдан кам бўлмаган хавф туғдирувчи янги касаллик ўзини маълум қилди.

ЖСТ мутахассисларининг фикрича, мазкур эпидемия айни пайтда қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради: ҳар бир мамлакат ўз худудидан чиқариш мумкин бўлган ҳар қандай инфекция ҳақида тўғри ва батафсил маълумот бериши зарур. Ўз вақтида берилган хабар унинг кенгайишининг олдини олиш имконини беради. Мазкур инфекцияга доир тадқиқотларда халқаро ҳамкорлик-

қон томир касалликлари, кашандлик ва мураккаблашган йўл ҳаракати оқибатлари киритилади.

Узоқ йиллар давомида юрак-қон томир хасталикларини ривожланган ва умр кўриш муддати узоқ бўлган мамлакатлар учун характерли деб ҳисобланар эди. Лекин айни пайтга келиб, профилактик тадбирлар натижасида бу муаммага ҳам ечим топилди. Энди унинг ривожланаётган мамлакатларга хос эканлиги маълум бўлмоқда. Айнан шундай мамлакатлар аҳолиси ушбу хасталиклардан кўпроқ жабр чеқмоқда.

Ижобий натижага эришиш учун учинчи олам мамлакатлари ҳам Европа ва АҚШ тажрибасидан фойдаланиши зарур бўлади.

Доимий ва вақти-вақти билан чекиш бевақт ўлимга етакловчи асосий омил саналмоқда. Айни пайтда кашандликдан дунё миқёсида бир йилда 5 миллион киши вафот этмоқда. 20 йилдан кейин бу рақам аянам кўпайиши мумкин. Шунинг учун барча мамлакатларда бу муаммага давлат таъсир кўрсатиши зарур.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳаммаси Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Илҳом Негматовга отаси **ОБЛОБЕРДИ отанинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

лашга доир оммавий тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқига эга ва бурчли; ҳуқуқат фуқаролар саломатлиги олдида жавобгар ва ҳ.к.

Аммо ЖСТ ҳисоботида келтирилган шунингдек, инсон саломатлиги ҳамжамиятида ҳал этиладиган вазифадир. Уни ҳал этиш учун барча давлатларнинг ҳукуматлари, тиббиёт ходимлари, тадқиқотчилар ва хайрия ташкилотлари ўртасида мустақам ҳамкорлик ўрнатилиши зарур.

ХУЛОСА

Ушбу ҳисоботдан келиб чиқадиган хулоса ЖСТнинг ўз олдида қўйган мақсадни ифода қилади. Яъни, инсониятнинг бугунги ва эртанги саломатлиги ҳамжамиятида ҳал этиладиган вазифадир. Уни ҳал этиш учун барча давлатларнинг ҳукуматлари, тиббиёт ходимлари, тадқиқотчилар ва хайрия ташкилотлари ўртасида мустақам ҳамкорлик ўрнатилиши зарур.

Ш.ЁДГОРОВ тайёрлади

Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳаммаси ушбу бошқарма бошлиғи Илҳом Негматовга отаси **ОБЛОБЕРДИ отанинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.



даражасининг ошиби бораётганини кўрсатади.


2-БОБ. БМТНИНГ «MILLENNIUM DEVELOPMENT GOALS» ДАСТУРИ

«Millennium Development Goals» дастури Ер курраси табиатини, сайёраимиз аҳлининг озик-овқат, сув ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини сақлаб қолишни, ҳеч бўлмаганда мана шу соҳада жинсий тенг ҳуқуқлиликка эришишни назарда тутилади.

ЖСТнинг эътироф этишича, мазкур дастур сайёраимизнинг



2004-yil Mehr va muruvvat yili



YANVAR						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

FEVRAL						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29

MART						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

APREL						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

MAY						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

IYUN						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

IYUL						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

AVGUST						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

SENTABR						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

OKTABR						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

NOYABR						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					

DEKABR						
D.	S.	Ch.	P.	J.	Sh.	Y.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	



«HUQUQ»
yuridik gazeta

Bosh muharrir:
ABDUXOLIQ ABDURAZZOQOV

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Myalliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset
usulida chop etildi. Korxonalar manzili: Toshkent
shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 0064
20848 nusxada chop etildi

TA'SISCHILAR:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

TAHRIR HAY'ATI:
Bahridin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir
SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola
SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV,
Muxtor SHODMONOV

MANZIL: Toshkent shahri, akademik
Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
TEL.: 133-82-34, 133-64-72.
FAX: 133-64-85.
E-mail: info@huquq.uz

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda

Navbatchi muharrir:
F.YODGOROVA

Navbatchi:
F.MAMASHARIPOV

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«HUQUQ» original maketi.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 19.00

1 2 3 4 5 7 8